

# МАВЗУ. ЖАМИЯТ ТАРАККИЁТИНИНГ ГОЯ ВА МАФКУРА БИЛАН ЎЗАРО БОГЛИКЛИГИ

1. Гоя, мафкура тушунчаси ва унинг  
ижтимоий мохияти
2. Инсон ва жамият хаётининг муайян  
фикрлар, Гоялар, мафкуралар билан  
боғлиқлиги
3. Инсон ва жамият хаётида гоя ва  
мафкураларнинг хилма - хиллиги.  
Мафкуравий плюрализм
4. Бунёдкор гоялар ва мафкураларнинг  
жамият хаётидаги ижобий таъсири ва  
Вайронкор, ёт гоя ва мафкураларнинг  
жамият хаётига салбий таъсири

- Илмий-фалсафий адабиётларда «гоя», «мафкура», «идея» ва «идеология» тушунчалари ишлатилмоқда. Идеология (idea- гоя. Тушунча, iōgos – таълимот) атамаси эса гоялар тўгрисидаги таълимотни англатади ва икки хил мънода ишлатилади.
- - гояларнинг мазмуни, шаклланиши, ахамияти тўгрисидаги билимларни ифодалайди ва илмий соҳа бўлиб хисобланади;
- - муайян гояни амалга ошириш, максадга этиш усуллари, воситалари, омиллари тизимини англатади.

# Гоя тушунчасининг мохияти нимадан иборат?

- Инсон тафаккури вокеликни идрок этиш мобайнида турли фикрлар, карашлар, гоялар ва тълимотлар яратади. Демак,
- Биринчидан, Гоя инсон тафаккурининг маҳсулидир.
- Иккинчидан, Гоя олдин мавжуд булмаган узида янгиликни ташувчи фикрдир.
- Учинчидан, олдин Гоя пайдо булади, ундан кейин Гоя асосида мафкура, мафкура асосида эса тизим, сиёсат пайдо булади.

- **Соглом ва носоглом, эзгу хамда ёвуз бунёдкор ёки бузгунчи гоялар булиши мумкин.** Гояларнинг оддий фикрлардан фарки яна шундаки, булар гарчи тафаккурда пайдо бўлса-да, кенг жамоатчиликнинг максадларини ифода этади.
- Гоя шундай кувватга эгаки, у одамнинг ички дунёсигача кириб бориб уни харакатга келтирувчи, максад сари етакловчи рухий – аклий кучга айланади. Уларни муайян максадга йуналтиради, сафарбар этади. Уларни жипслаштиради, хамжихат ва хамкорликка ундейди.

# **Гоянинг энг муҳим ҳусусияти**

- – инсонни ва жамиятни максад сари етаклайдиган, уларни харакатга кетирадиган, сафарбар этадиган куч эканидадир.

# *Гоянинг ижтимоий моҳияти*

- Хар кандай гоя ижтимоий характерга эга. Муайян гоялар одатда алохида олинган шахс онгида шаклланади. Маълум бир муддатдан кейин эса жамиятнинг турли катламларига таркалади, турли элатлар ва миллатлар орасида ёйилади.

- **Мазмуни ва намоён бўлиш шаклига караб, гояларни бир канча турларга ажратиш мумкин:**
- - Илмий гоялар; фалсафий гоялар; диний гоялар; бадиий гоялар; ижтимоий – сиёсий гоялар; миллий гоялар; умуминсоний гоялар в.х.

# *Илмий гоялар*

- - фан тараккиётининг самараси, илмий кашфиётларнинг натижаси сифатида пайдо бўладиган, турли фан соҳаларининг асосий тамойиллари устувор коидаларини ташкил киладиган илмий фикрлардир.

# *Фалсафий гоялар*

- Хар бир фалсафий таълимотнинг асосини ташкил этадиган, олам ва одам тўгрисидаги энг умумий тушунча ва карашлардир.

# *Диний гоялар*

- деб, хар бир диний таълимот ва оқимнинг асосини диний иймон-эътиқоднинг негизини ташкил этувчи ақидаларга айтилади.

# *Бадий гоялар*

- - адабиёт ва санъат асарининг асосий маъно – мазмунини ташкил этадиган, ундан кўзланган максадга хизмат киладиган етакчи фикрлардир.

# *Ижтимоий - сиёсий гоялар*

- хар бир халк ва умуман башариятнинг орзу-умидларини, максад-муддаоларини ифодалайди, эркин хаёт ва адолатли тузумни тараннум этади.

- **Миллий гоя** - инсон ва жамият хаётига маъно-мазмун бахш этадиган, уни эзгу максад сари етаклайдиган фикрлар, гоялар мажмуидир.
- Озодлик ва мустакиллик, адолат ва хакикат, тинчликсеварлик ва инсонпарварлик гоялари шулар жумласидандир.

- Гояни моддийлаштирувчи, амалиётга айлантирувчи куч ким эканига караб, синфий гоя, миллий гоя, умумхалк гояси, умуминсоний гоялар хам мавжуд бўлиши мумкин.

## **Мафкура тушунчаси ва унинг мохияти**

- *Мафкура тушунчаси арабчадаги  
«муффакир» «муффакиратун»  
сузларидан олинган бўлиб, чукур  
маъноли, теран мазмунли фикр  
демакдир.*

# **мафкура**

- - муайян ижтимоий гурух ё катламнинг, миллат ёки давлатнинг, жамиятнинг эҳтиёжларини, максад ва интилишларини, ижтимоий-маънавий тамойилларини ифода этадиган гоялар, уларни амалга ошириш усул ва воситалари тизимиdir.

- «Гоя» ва «мафкура» тушунчалари бир-бирига якин бўлсада, уларни айнанлаштирмаслик керак, нима сабабдан?
- Биринчидан, мафкура гояга нисабатан мазмунан кенгрок тушунчадир.
- Иккинчидан, хар кандай мафкурада ижтимоий вокеликни саклаб колиш ёки ўзгартириш имконияти бор.
- Учинчидан, хар кандай ижтимоий гоя факат маълум бир мафкуравий карашлар доирасидагина ўзини намоён кила олиши мумкин.

- Мафкуранинг фалсафий илдизлари деганда унинг фалсафа илми хулосаларига асосланиши назарда тутилади.
- Мафкуранинг дунёвий илдизлари маърифий дунёга хос сиёсий, иктисадий, ижтимоий, маданий муносабатлар, мажмуидан иборатдир.
- Мафкуранинг диний илдизлари - инсон онги ва рухияти билан узвий боглик булиб, Авесто, Веда ва Упанишадлар, Инжил ва Куръон каби китобларда зикр этилган эзгу гоялар муайян даражада ўз ифодасини топган.

# **Мафкура яккахокимлиги тушунчаси ва улинг мохияти**

- Ягона мафкура яккахокимлигининг мохияти шундаки, бунда бирон-бир мафкуравий тизим ягона илмий, энг адолатли, жамиятдаги муайян катлам манфаатларини ифода этувчи мафкура деб эълон килинади. Ўзининг мохияти ёки бирон бир жихати билан ундан фарқ килувчи гоялар, карашлар, мафкуралар ёт ва душман мафкуралар сифатида каралади. Фикрлар, гоялар хилма-хиллиги инкор этилади.

# Мафкура яккахокимлиги

- Окибатида, миллионлаб кишиларда ягона фикрга мослашиш, мутелик, поқайдлик, бокимандалик, маҳдудлик, ўзга гояларга хадиксираб караш руҳияти шакланади. Президентимиз таъкидлаганларидек, **хеч бир сиёсий партия, уюшма, ва алохида олинган гурухнинг мафкураси давлат мафкураси даражасига кўтарилимаслиги керак.**

## Гоявий бўшлик нима?

- Гоявий бўшлик эски мустабид тузумдан янги тузумга ўтиш жараёнида олдин хукмронлик килиб келган мафкура ўз мавкеини йўкотгач, тараккиёт талабларига мос равишда унинг ўрнини босадиган илгор гоявий тизимнинг хали тулиқ шаклланмаган холатидир.

# Мафкуравий плюрализм

- (лот. Pluralis-хилма-хиллик, ранг-баранглик) - ижтимоий-сиёсий хаётда турли катлам, партия, гурухлар манфаатларини ифода этувчи гоявий ранг-барангликни, қараашлар ва фикрлар хилма-хиллигини ифодалайди.

# **Бунёдкор гоя**

- - инсонни улуглайдиган, унинг куч-гайрати ва салохиятини ошириб халки, Ватани, бутун инсоният учун фойдали ишлар килишга сафабар этадиган, ўзида тараккиёт, маърифат, дўстлик, тинчлик, адолат, халоллик, поклик каби эзгу максадларни мужассам этадиган гоядир.
- Жамиятда эзгу максадларга хизмат киладиган мафкураларга бунёдкор гоялар асос бўлади.
- Буюк донишманд бобомиз Баҳоуддин Накшбанд «Дилинг - Оллоҳда, кўлинг - меҳнатда бўлсин»

# Вайронкор гоялар

- - жамият, халк ва давлатларнинг таназзулига сабаб бўлади, гайриинсоний маёсадларга хизмат килади.
- **Фашизм** (итал Fasismo боғлам, бирлашма) - Гарб мамлакатларида XX аср бошларидаги огир иктисолий, сиёсий ва маънавий бухронлар даврида вужудга келган ўта тажавузкор ва вайронкор гоялар асосида шаклланган инсониятга карши назария ва амалиёт.
- **«Расизм»** сўзи «раса» (ирк) атамасидан келиб чиккан. Бу атама XVII асрдан бошлаб Европада «инсоният насли»ни турли иркий грухлар, жумладан, «ок» ва «сарик» иркка ажратиш учун кўллана бошлади.
- Ирчилик - одамлар ўртасидаги ижтимоий тенгиззлик, боскинчилик, зўравонлик ва урушларни кишиларнинг турли иркларга мансублиги билан оклашга хизмат килувчи гайримиллий таълимот

- **ТЕРРОРИЗМ** (лот. Terror – кўркув, даҳшат) - маълум ёвуз максад йўлида, куч ишлатиб, одамларни жисмоний йўқ килишдан иборат бўлган гояга асосланган зўравонлик усули. Кўркитиш ва даҳшатга солиш оркали ўз хукмини үтказишга уриниш террорчиликка хосдир.
- **Буюк давлатчилик шовинизми** - бир давлатнинг бошса давлат ёки давлатлар устидан сиёсий, мафкуравий, иктисадий ва харбий хукмронлигини ўрнатишга каратилган назария ва амалиёт.
- **Диний акидапарастлик** эса - сиёсий максадлар йўлида мавжуд ижтимоий муаммоларни илк, яъни мазкур дин пайдо бўлган пайтдаги арконлар асосида хал этмок ниятидаги харакат ва карашлардан иборат.
- **Диний экстремизм** - маълум сиёсий максадлар йўлида ва дин никоби остида мутаассиблар ёки уларнинг иродасига кўра иш кўрувчи гурухлар томонидан олиб бориладиган ўта ашаддий харакатлар ва карашлар мажмуини англатади.

# Диний экстремизмни келтириб чикарувчи сабаблар:

- - Диндан фойдаланиб динга алласи бўлмаган сиёсий ва бошка тажовузлар ва максадларни амалга ошириш учун интилиш;
- - Динни никоб килиб, турли сиёсий можаролар, зиддиятларни келтириб чикишига уриниш;
- - Инсон, миллатларининг ўз тақдирини ўзи белгилаш хукукини эмас, балки диннинг яшашга бўлган хукукини эътироф этиш;
- - Динни дунёкараш, тафаккурнинг ягона воситаси деб хисоблаш;
- - Ўз-ўзидан равшанки, бу ходисалар Ўзбекистонинг мустакиллигини мустахкамлаш, унинг хавфсизлигини таъминлаш зарурлиги нуктаи назаридан караганда бутунлай заарли гоялардир.